

**Электрон тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш
хизмати кўрсатиш**

ШАРТНОМАСИ № 36

2022 йил “19” апрель

Фарғона шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Фарғона вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази директори А.Иргашев, (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб аталади) бир томондан, «Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати» директори Х.Долимов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталади) иккинчи томондан, ушбу шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартнома предмети.

1.1. Ижрочи буюртмачининг топшириғи билан қуйидаги: «Тошлоқ тумани 200 ўқув ўрнили 43-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (120 ўқув жойи қуриш ҳамда 80 ўқувчига мўлжалланган ўқув блокни мукамал таъмирлаш)» объекти буйича тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш хизматларини бажариш, буюртмачи эса кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

2. Шартнома баҳоси.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг 2022 йил 11 февралдаги 18-сонли буйруғи билан тасдиқланган калькуляцияга асосан бир шартнома бўйича қиймати қурилиш соҳасидаги электрон тендерлар учун 2 000 000 (икки миллион) сўмни ташкил этади.

3. Тўлов шартлари.

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўловлар – буюртмачи томонидан шартнома баҳосининг 30% бўнак (аванс)ни олдиндан, қолган 70% хизматлар тўла бажарилиб, буюртмачига тегишли далолатнома билан топширилган кундан, инвестор томонидан ажратилган маблагдан қонунда белгиланган муддатда, пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.

4.1. Ижрочи ушбу шартномада назарда тутилган ишларни буюртмачи томонидан тендер савдолари ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур ҳужжатларни электрон шаклда тақдим қилгандан кейин белгиланган муддатда бажаради.

4.2. Шартнома иккала томон имзолаган кундан бошлаб буюртмачи охириги тўловни тўлиқ ўтказиб бермагунча амалда бўлади.

5. Тарафлар мажбуриятлари.

5.1. Ижрочи:

5.1.1. Ўз имкониятлари ва воситалари билан тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказишни тўлиқ ҳажмда ва муддатида бажаришни ўз зиммасига олади.

5.1.2. Тендер савдоси ташкил этиш ва ўтказиш буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2022 йил 31 январдаги 46-сонли қарори билан тасдиқланган низомга асосан амалга оширади.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Шартнома имзоланганидан кейин ижрочиға 3 банк куни ичида тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган барча зарур ҳужжатларни электрон шаклда топширади.

5.2.2. Ушбу шартномада назарда тутилган ишларга, шартноманинг иловаларида белгиланган миқдорда ва муддатда ижрочиға шартнома баҳосини тўлайди.

6. Тарафлар жавобгарлиги.

6.1. Ижрочи тендер савдосини бажармаган тақдирда буюртмачиға хизматларни топшириш кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори бажарилмаган мажбурият суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.2. Буюртмачи тўловни ўз вақтида тўламаганлик учун ижрочиға ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.3. Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда айбдор томон бошқа томон кўрган зарарларни қонун ҳужжатларига асосан қоплайди.

6.4. Неустойка тўлаш томонларни ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш ёки бузилган ҳуқуқни бартараф этишдан озод этмайди.

6.5. Томонларнинг биронтаси ҳам бошқа томон олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини уз эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билишни ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳоллар, бунга омбарго, зилзила, сув босиш, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолларда бажармаганликлари учун (форс-мажор ҳолларида) жавобгар бўлмайди.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича ҳамда уни бажарилиши билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

8. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб, ҳар иккала томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартнома томонларнинг хоҳиши ва келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши, муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Шартнома, шунингдек, бир томон уни жиддий бузганида, иккинчи томоннинг ташаббуси билан, бу ҳақда бу томонни 7 кун олдин ёзма огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли, бунда иккинчи томон қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича узига етказилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

9. Бошқа шартлар.

9.1. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга 3 (уч) нусхада тузилди ва 2022 йил 31 декабрга қадар кучда бўлади.

9.2. Шартнома Ҳазначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга қиради.

10. Томонларнинг юридик манзиллари ва тўлов реквизитлари:

| «ИЖРОЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| <p>Фарғона вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази</p> <p>Фарғона ш. С.Темур кўчаси, 111-уй Тел: (99) 615-68-91 (99) 615-68-92 Х/Р: 20210000203767618001, ИНН 202529457 ОКОНХ 84500 АТБ "Infin bank" Фарғона вилоят филиали МФО: 01128</p> | <p>«Фарғона вилояти ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати»</p> <p>Манзил: Фарғона ш. Темирийўлчилар кўчаси, 37 уй. Тел/факс: 224-24-33; 244-52-24 ШХР: 100021860304017086521075011</p> <p>СТИР: 204 816 336 ИФУТ: 69 000 Фарғона вилояти бўйича ғазначилик ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010 Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ) МФО: 00014 Ҳазначилик бўлиминининг СТИР: 201 122 919</p> |
| <p>Директор:  А.Иргашев</p>  | <p>Директор:  Х.Долимов</p>  |

Ҳуқуқий хулоса:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Ҳуқуқшунос: 

